

Сўз мулкининг сохибкирони, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг машхур «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маликул калом мавлоно Лутфий хакида фикр юритар экан, шундай деб ёзган эди:

«Мавлоно Лутфий (алайхиррахма) - ўз замонининг маликул каломи эрди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машхурдир ва мутааззирул жавоб матлаълари бор, ул жумладан бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўк тори гесуйи,

Ўз хаддини билиб, белидин ўлтирур куйи»...

Дахо ижодкорга хос юксак фазилатларни таъкидлаётган муаллифнинг ўз бахоси далили сифатида унинг юкоридаги байтини келтириши тасодифий хол эмасди, албатта. Шу биргина байт мисолида Лутфий бадий иктидори тажассумини намойиш этиш Навоийнинг асосий максоди бўлганини кўриш кийин эмас. Келтирилган мисолга диққат қилсак, унда мумтоз шеъриятимизга хос муҳим бир анъанавий гоё - махбуба латофатига хос бир белги

- бели сочи толасидан ҳам нозикрок эканлиги нафис бир лавҳа

- сочининг белдан куйи туриши манзараси асосидаги гайритабиий талкин воситасида гоё таъсирчан ифодалангани, яъни «Махбубамнинг соч торлари нозикликца унинг бели билан тенглашолмайди, шу туфайли улар ўз хаддини билиб, белидан куйи ўлтирадилар», тарзидаги хусни таълил асосида жозибали тасвирланганини кузатишимиз кийин эмас.

Бу ўринда хазрат Навоийнинг ўз устози ижодига бўлган улкан эхтироми билан бир вақтда Лутфий шухратининг кенг ёйилишининг асосий боисларидан бири бўлган ана шу шеърий санъатга муносабати ҳам сезилиб туради. Чиндан ҳам кенг бадий имкониятга эга бўлган хусни таълил санъати Лутфий яратган газалларда кўп қўлланиб, барча шоирлар эътиборини қозонган эди.

Маълумки, бадий адабиётда далиллаш ёркин, хаётий тим-соллар яратиш, лирик кечинмалар ёхуд эпик манзараларнинг ўқувчилар оммаси томонидан тўлиқ ва ишонарли тасаввур қила олишларига эришишнинг энг муҳим шартларидан бири саналади. Гарчи мумтоз шеъриятда далиллашнинг воқеъликни табиий тасвирлашга хизмат қилиши шарт қилиб қўйилмасида, ижодкор ифодалаётган фикрларни аниқлаштириш, гавдалантирилаётган лирик ёки эпик тимсоллар киёфаси, ички олами, орзу армонлари мохиятини атрофлича англаб етиш, бинобарин, муаллифнинг гоёвий-бадий нияти, бадий салохияти, услубнинг ўзига хослиги каби масалаларни пухтарок тушуниб етиш учун бу усулнинг ўзига хос кўринишларидан фойдаланиб келинган. Адабиётимизда асрлар давомида кенг қўлланиб, гўзал ва бетакрор, сержозоба ва таъсирчан обидалар яратишга хизмат қилган ташбих ва ташхис, талмих ва тамсил, ирсоли масал ва хусни таълил каби санъатлар ана шундай далиллаш воситалари эди.

Шеъриятимиздан муносиб ўрин эгаллаган хусни таълил санъатининг хусусиятлари ўтмиш адабиётшуносларининг асарларида таъкидлаб кўрсатилган. XI асрнинг охири ва XII аср бошларида яшаб ижод қилган таникли аллома Рашидиддин Ватвот ўзининг «Ҳадейик ус-сехр фи дакойик аш-шеър» асарида ушбу санъатни шундай таърифлайди: «Ушбу усулнинг мохияти шундан иборатки, шоир байтда бири бирининг сабаби бўлган икки сифатни келтиради, аслида эса бу ҳақда сўз юритар экан, ўз асарининг чиройли ва бетакрор бўлиб чиқиши учун улар ўртасида бирон муносабат топишни истайди, холос». Бинобарин, хусни таълил байтда бир нарса, ходиса ёки холат-га бир нарсани сабаб

килиб кўрсатишдан иборат бўлиб, бу хил усул асарнинг латофати ва таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида яшаб ижод қилган машхур адабиётшунос олим мавлоно Атоуллох Хусайний «Бадойиъ ус-санойиъ» китобида: «Хусни таълил улдурким, бир ниманинг бир сифатин икром қилурлар ва ул сифатни исбот қилиш учун ул ниманинг ўзига муносиб бир иллату сабабини келтирурларким, хакикатта ул сабаб бўлмагай, лекин лутф эъти-бори била ани сабаб қилган бўлурлар», деб таъкидлар экан, унинг мумтоз форс шеъриятида қўлланган тўрт турини кўрсатиб ўтган эди.

«Аввалги тури улдурким, - деб ёзади аллома, - ул сифат ул нимада хакикатда бўлур, аммо унинг кўриниб турган сабаби бўлмас, ўшанга бир сабаб кўргузурлар, андоқким (байт):

Хатти мушкине навишта бар рухаш қилк-и казо,

То бувад аз бахри дафъ-и чашм-и бад хирзу дуо

(таржимаси: «Казо калами унинг юзига мушкин бир хат ёзмиш, ёмон кўзни дафъ этиш учун қайтаригу дуо бўлсин учун»).

Мазкур байтнинг биринчи мисрасида махбуба юзида мавжуд бўлган бир сифат, яъни унинг лаби устидаги майин туклари мушкин хат деб таърифланган. Бу ҳолат сабаби аниқ кўзга ташланиб турмайди. Шоир эса иккинчи мисрада ана шу ҳаётий ҳолатга бадиий сабаб кўрсатиб, ушбу мушкин хат ёмон кўзни дафъ этиш учун ёзилган қайтаригу дуодир», деб ёзади. Далилнинг хакикатдан узок бўлган шоирона ифодагина эканлиги намоён бўлиб турибди.

«Иккинчи тури улдурким, - деб давом этади олим, - воқеий сифатнинг зикр этилган кўргузма сабабидан ўзга кўрунуб турган сабаби бўлур, андоқким (байт):

3-он кашам пеш-и ту хар дам, ох, эй ороми жон,

То кунам аз дил бирун мутлак хаво-йи дигарон

(таржимаси: «Эй ороми жон, сенинг қошингда хар дам ох тортишимнинг сабаби шуки, кўнгилдан ўзгаларнинг хавосини (иштиёқини) бутунлай чиқариб ташламоқчиман»).

Китобни таржима қилиб нашрга тайёрлаган академик Алибек Рустамов кўлөзма хошиясида ушбу байтга берилган қуйидаги изохга диққатимизни жалб этади: «Хар дам ох тортишимнинг кўриниб турган сабаби бор: гаму алами кўп. Аммо мухаббатда изхор қилинадиган латиф бир ибора билан унга бошка бир сабаб кўрсатилган». Демак, хусни таълилнинг ушбу тури олдингисидан биринчи мисрадаги фикрнинг хақиқий сабаби бўлган ҳолда, иккинчи мисрада мазкур воқеий ҳолатга ҳаётий бўлмаган бадиий сабаб кўрсатилиши билан фаркланади.

Атоуллох Хусайний хусни таълилнинг учинчи турини шундай таърифлайди: «Учинчи тури уддурким, ул ниманинг сифати хакикатта бор бўлмас, аммо одатан бўлмоғи ҳам мумкин бўлур, андоқким (байт):

Азон шуд ром ба ман, эй Атоий, оху-йи вахший,

Ки бўйи меҳр он вахший гизол ҳам шанид аз ман.

(таржимаси: «Эй Атоий, ул вахший оху менга шу сабабдан ром бўлдики, хатто вахший гизол ҳам мандан меҳр хидини сезди»).

Тўртинчи турини таърифлаётган олим унинг хусусиятларини шундай таъкидлайди:

«Тўртинчи тури улдурким, ул нима сифати хакикатда ҳам бор бўлмас, одатан бўлмоғи ҳам мумкин ҳам бўлмас, андоқким (байт):

Хаёл-и он бут-и хунрез аз чашмам нашуд берун,

Азон дар хоб ҳам резад зи чашмам катрахо - йи хун

(таржимаси: «Ул контўкар бутнинг тасвири кўзимдан чикиб кетмади, шу сабабдан уйкуда хам кўзим кон томчиларини сочади»).

Алломанинг ушбу санъат турлари хакидаги фикрлари билан танишар эканмиз, мана бу жумлалар диққатимизни тортади:

«Яна ул дептурким, шакка асосланган иллат хам хусни таълилга тааллуқлидир. Мунда зикр этилган иллату сабаб андогдурким, анинг иллатлигин катъиян иддио килмаслар, андоқким (байт):

Гўий ки шудасть абр-и найсон

Аз ёр жудо, ки гашта гирён.

(таржимаси: «Найсон (апрел) булуту ёрдан жудо бўлганга ўхшайди, шунинг учун йигляпти»).

Аллома бу санъатни таълил деб атабтур ва ани хакикаттин йирок бир ниманинг сифатин исбот килмокка хос килиптурким, анга муносиб бир иллатни зарофат била иддио килгайлар, токим эшитгувчи ани хакикат деб тасаввур килгай ва ул учинчи турда мазкур бўлгон байт янгилигдур.

Ул яна дептурки, баъзилар бу санъатни хусни таълил деб атаб-турлар ва дептурлар: ул андогдурким, икки васфни ул тарзда зикр килурларким, бири иккинчисининг илллати бўлур ва мақсад хар иккисининг зикри бўлур».

Юкоридагилардан маълум бўладики, хусни таълилнинг асосий хусусияти бирон ходисага сабаб, далил келтиришдан иборат бўлиб, ушбу сабаб, далил хаётий бўлиши хам, гайритабиий бўлиши хам мумкин.

Мумтоз шеърятимиз саҳифаларини кўздан кечирсак, хаётий сабаб кўрсатилган хусни таълил ифодаларини кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асарида хам бу хил мисоллар анчагина учрайди.

Шоир каламига мансуб:

Васли аро кўрдум: тенг эмиш бўйию сочи,

Тун-кун тенг экан, зохир ўлур бўлди чу наврўз

байтидаги биринчи мисрада махбуба бўйи билан сочининг тенглиги таъкидланган. Бу хаётий холат бўлиб, сочи узун гўзаллар учраб туради. Бу хил таърифнинг сабабини кидириш хам жоиз эмас: табиат у кизни шундай яратган. Лекин шоир иккинчи байтда бу холатни наврўз чогидаги ходисага сабаб килиб кўрсатади. Сабабини аниқлаб бўлмайдиган табиий ходиса ёки холатни шу хилда далиллашга интилиб, нафис бир бадий лавха келтириш хусни таълилнинг биринчи турига хосдир. Навоий:

То узори жилва айлар - жилвагардур зулфи хам,

Мехр то айлар тахаррук - соя доги тебранур

байтида хам табиий холат - маъшука юзи жилва килганда, зулфи хам жилваланишига куёш харакатланганида соянинг хам тебранишини сабаб килаётгандек бўлади. Диққат килинса, бу ўринда хам воқеий ходиса хаётий лавха билан далилланаётганини, оқибатда хусни таълил ифодаси юзага келганини кузатиш кийин эмас.

Шоир каламига мансуб:

Совуг охеким чекармен, гарм ўлур окмокка ашк,

Чашмаларда сув бўлур иссиғ, хаво бўлгач совук

мисраларидаги нафис хусни таълил шу тарздадир. Ижодкор ошиқнинг совук ох чекканида кўзларидан иссиқ ёш томаётганини хаво совук бўлганида чашмалардаги сувнинг илик бўлиш ходисаси билан далилламокчи бўлади. Аслида эса бу хил талкин хам чиройли сабаб кўрсатишдан бошка нарса эмас.

Номаи шавкум не навъ ул ойга еткай, чунки мен
Эл отин ўкур хасаддин ёзмадим унвон анга
байтида иккинчи мисранинг биринчисига нисбатан сабаб вазифасини бажараётгани
аник сезилиб туради. «Шавким номаси у ойдек гўзал махбубамга кандай килиб етар экан,
ахир мен эл отини ўкиб билишидан хасад килиб мактуб унвонини ёзмадимку?!» деган
мазмун ифодаланган ушбу мисраларда келтирилаётган далил, «хасад килиб» ибораси
туфайли алохида заковат касб этган. Демак, бу ўринда ҳам хаётий ходисага таъ-сирчан
бир вокеий сабаб кўрсатилаётганини инкор этиб бўлмайди.

Хусни таълил санъатининг иккинчи бир тури эса бирон табиий ходисанинг сабаби бўла
туриб, унга хакикий бўлмаган хаётий сабаб кўрсатишни такозо этади. Масалан, Навоий
битган:

Недин билман юзум саргарди мухрик ишк тобидин,
Юзи ўтка якинрок бўлган элнинг чунки рангиндур
байтининг биринчи мисрасида ишк хароратидан ошик юзининг саргайгани таъкидланар
экан, ушбу холатнинг асл сабаби ишкий кечинмалар эканлиги маълум бўлиб турса ҳам,
ўзгача бир сабаб, яъни ўтга якинрок ўтирган кишиларнинг юзи шундай рангин бўлиши
кўрсатилади. Шоир

Юзум олтиндекдурур бу важхдинким, холиё,
Сиймбарлар ул кишинингдурким, онинг моли бор
мисраларини битар экан, аввал ошик юзининг олтиндек саргайганини таъкидлайди,
ушбу холатнинг сабаби аниқ: ошикнинг дарди- ахволига кумуш танли гўзал дилдорлар
мол-дунёси бўлган пулдорларга насиб этишини сабаб килиб келтиряпти. Байтда хаётий
лавхага вокеий далил кўллар экан, хусни таъ-лилнинг яна бир бетакрор намунасини
ўқувчи эътиборига хавола этган.

Хатинг бош чеккали холинг кўрунмас,
Кўкарди чун экин, гум бўлди дона
байтида Навоий келтирган шоирона далил ҳам шу хил бадий талкин натижасидир.
Махбуба лаби устидаги майин туклар унинг холини яшириб турганини тасвирлаётган
ижодкор бу холатга хаётий бир лавхани: экин кўкариб чикканида уругнинг кўринмай
колишини далил сифатида келтиради. Хар икки мисрадаги тасвир хаётий, лекин далил
чиройли ифодалангани билан ўқувчи дилини ўзига мафтун этади.

Хусни таълилнинг яна бир кўриниши биринчи мисрада ифодаланаётган муболагали
тасвирни хаётий бир вокеа, мисол ёки макол билан далиллашни назарда тутати.

Масалан, Навоий

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмок не суд,
«Мушк исин ёшурса бўлмас», бу масал машхур эрур.

байтида биринчи мисрадаги: «Сочинг зулм килиши билан машхур бўлди, буни яширишдан
фойда йўк», деб таъкидлар экан, ушбу фикрни «Мушк исини яшириб бўлмайди», деган
масал машхурку!» тарзидаги ифода билан далиллайди. Шоир мисраларда «масал»
сўзининг «машхур» тарзидаги маъносидан ҳам, «макол» тарзидаги маъносидан ҳам
усталик билан фой-даланиб, кўркам бир хусни таълил намунасини яратишга эришади.

Чун Навоий кўнгли синди, эмди лутфунг не осиг,

Ким, ушатса шишани бутмас яна пайванд ила

байтидаги бадий далил ҳам юкоридаги мисралар билан ҳамоханг. Биринчи мисрада
шоир ўз кўнглининг сингани ва энди махбуба лутфи бефойдалигини таъкидлаган бўлса,
иккинчи мисрада синган шишани улаб бўлмаслиги хакидаги макол билан юкоридаги

фикрни далиллашни ўз оддига мақсад килиб кўяди.

Не айб, шодлиг ашким кўп окса васлингда,

Бахор фасли бўлур чашмалар суйи афзун

мисраларидаги бадий сабаб ҳам ўз нафосати билан кўнгилга рохат багишлайди. Шоир каламига мансуб

Не кунки кўрсам, тушумга кирса не тонг,

Куёшга боксаю кўз юмса ҳам куёш кўрунур

байтидаги санъат ҳам шу тарздаги сабаб асосига қурилган. «Юзини кўрганимдан сўнг у гўзал тушимга кирса ажаб эмас, ахир куёшга боккан киши кўзини юмса ҳам куёш кўринадику», маъносини ифодаловчи ушбу мисраларда ҳаётий ҳолатга табиий далил келтирилган.

Хусни таълил санъатининг юкоридаги турлари шеъриятимизда кўп йиллар мобайнида изчил кўлланиб келинган. Лекин улар ўртасида ушбу санъатнинг бирон ҳаётий ходиса ёки ҳолатга гайритабиий сабаб кўрсатиш мақсадини кўзлайдиган тури бошқаларига нисбатан кенгрок кўлланганини кўриш мумкин. Хусни таълилнинг бу кўриниши унинг бошка турларига нисбатан ижодий ҳаёлотга, янгидан-янги бадий тимсоллар ва лавҳалар яратишга имкон бериши жихатидан ажралиб туради. Шу тўғрисида биз мазкур китобда хусни таълилнинг ушбу тури ҳақида кенг кўламли ва мукамал маълумот бериш, шоирларимизнинг бу соҳадаги санъаткорлиги, ижодий тафаккур даражаси, яратилган бадий лавҳаларнинг шоир гоъвий- бадий ниятини очишдаги ўрни, ўқувчилар оммасига таъсири каби масалаларга алоҳида диққат қилишни лозим топдик.

Мавлоно Атойи

Бир тўя кўргаймумен деб талъатингни тўлун ой,

Тунглукинда ўлтурур то субҳ мендек телмуруб

байтида ажиб бир хусни таълил ифодасини яратганди. Диққат қилинса, байтда аввало

ҳаётий бир ҳолат- ёр деразасидан кўриниб турган тўлин ой манзарасини кузатамиз. Бу

ҳаётда жуда кўп учрайдиган табиий ходиса. Унинг юз беришига бирон ҳақиқий сабаб

топиш ҳам амри маҳол. Лекин зукко шоир бу кўринишга ўқувчини хайратлантирарли бир

сабаб кўрсатади: гўё тўлин ой ҳам гўзал маҳбубага шайдо бўлганмишу, ошиқ йигитга

ўхшаб ёр жамолини бир марта бўлса ҳам тўйиб кўриб олиш учун дераза олдида то субҳга қадар жилмай интизор бўлиб ўлтирганмиш.

Кўрсатилмаётган сабаб ойга тааллуқли бўлиб, унинг табиатига мос бўлиб тушса ҳам,

гайритабиийлиги, ҳаёт ҳақиқатига мос келмаслиги, аниқроғи, ифоданинг, кўрсатилган

сабабнинг ҳаётий мантиқдан узоклиги яққол кўзга ташланиб турибди. Ташхис

санъатидан фойдаланаётган ижодкор осмон ёритгичига инсон хусусиятларини кўчирган

ҳолда бадий ёлгон кўллаб, маҳбубанинг мафтункор ойга нисбатан ҳам латофатлирок

эканлигини таъкидлаётгани, ошиқ йигитнинг эҳтиросли муҳаббатини олқишлаётганини

англаб етиш қийин эмас. Бу ўринда шоир йўл қўйган бадий ёлгон эса ўзига хос нафис

бир лутф, сўз ўйини ҳолос.

Мавлоно Лутфий каламига мансуб

Юзидин лола ранг элтиб уёлиб шаҳрга кирмас,

Кишиким бўйнидин боғлаб кетурмогунча сахродин

мисраларидаги хусни таълил яна ҳам марокли. «Маҳбубамнинг кизил юзларини кўриб

ранги ўчган лола уялганидан шаҳарга киролмайди, одамлар уни бўйнидан боғлаб

сахродан олиб келадилар», деган маънони ифодалаётган ушбу байтдаги гайритабиий

сабаб алоҳида эътиборга лойиқ. Байт матнига эътиборни қаратсак, шоир аввало

лоланинг тоғ этакларида учрашини таъкидлаб: «У шахардан кочиби юради, унга кира олмайди» деган фикрни бизга хавола килаётганини англаймиз. Бунинг хақиқий, хаётий сабаби табиат таказоси, холос. Лекин шоир ўз олдига бу хил сабабни таҳлил қилиш максadini кўймаганлиги ҳам аён бўлиб турибди. Аникроги, ижодкор лоланинг шахарга кира ол-маслиги сабабини излашга киришади-ю, жавобни: «Лоланинг шахарга яқинлаша олмаётганининг сабаби унинг гўзал махбуба юзига тенглашолмаслиги, уни кўрган захоти ранги ўчиб кетаётганлиги туфайли одамлардан уялиши экан», деган хулосага келади. Бу ўринда лолага инсон хусусиятлари - ранги ўчиш, уялиш холатлари кўчирилаётганлиги, яъни ижодкор айна бир вақтда ташхис ва муболага санъатларидан истифода қилган холда гайритабиий далил келтираётганига ишонч ҳосил қиламиз. Хақиқатан ҳам, шоир таъкидлаётган сабаб хаётдан узок ва мантиқан асоссиз эканлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Чунки аслида лоланинг тоғда ўсиши махбуба латофатига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, севги фақат инсонларгагина ҳослигини яхши биламиз, шу туфайли шоир талқинининг жиддийлигига ишонмаймиз ҳам, лекин ижодкор бадиий нияти - махбуба гўзаллиги чиройли бир тарзда тасдиқланганига тан берамиз-у Лutfий хаёлот оламига, махоратига тасанно айтамыз.

Демак, хусни таълил санъати байтда ифодаланаётган хаётий воқеа, ходиса ёки холатга гайритабиий, яъни хақиқий бўлмаган бирон сабаб кўрсатиш, шу восита орқали у ёки гоёвий-бадиий ниятни амалга ошириш, бирон гоё ёки фикрни таъкидлаб кўрсатишни назарда тутати. Биробарин, ушбу санъат қўлланган байт уч нарсани ўз ичига олади:

1. Ижодкор тасвирлаётган хаётий ходиса ёки холат, тарихий ёки афсонавий воқеа.
2. Шу ходиса, холат, воқеанинг хаётий бўлмаган, гайритабиий-ий, номантикий сабаби - хусни таълил.
3. Хаётий хақиқатга ёки афсонавий воқеага гайритабиий са-баб кўрсатишдан назарда тутилган гоёвий-бадиий ният.

Шеърятимиздаги хусни таълил намуналари хилма-хил хаётий холатлар, табиий ва афсонавий ходисаларга асосланади. Шоирлар кўпинча самовий мавжудотлар холати ва харакатини гайри-табиий изохлаш йўли билан хусни таълил санъатига ҳос лавҳалар чизадилар. Масалан, куёш харакатини шу хил тасвирлаш воситасида кўплаб чиройли байтлар яратилган.

Ой юзунг наззорасидин колур эрмиш бенасиб,
Онинг учун кечкурун хар кунда йиглар кон куёш.(Гадоий)

Мехр юз кўрмай ўчашур, пардадин чиккач куёш
Олғали кўймас сориг юзин каро ердин уёт.(Навоий)

Фалак мехри булутдин кўзга чекмиш пардаи мушкин,
Магар бокиб куёшим юзига кўзи камошибдур. (Оғахий)
Келтирилган байтлар мазмунига диққат қилсак, куёшнинг холати, харакати асосида бетакрор бадиий лавҳалар ифодалан-ганини кўрамизки, уларнинг хар бири хусни таълил санъатининг гўзал намуналаридир.

Турли хаётий ходисалар, ўсимликлар, мевалар, ашёлар хола-ти заминида ҳам хусни таълил санъатининг чиройли намуналари яратилган. Масалан, Навоийнинг Банд аёгида нединдур, бошида савдо ўти,
Эй пари, ишкинда гар худ бўлмамиш девона шамъ
байтида шамънинг кўринишини мухаббат дардида девона бўлган одамга ўхшатиб, табиий

холат гайритабиий тарзда талкин килинган. Ташбих ва ташхис санъатларига асосланган бу хил тасвирда хусни таълил махбуба гўзаллиги, латофатини таъсирчан килиб ифодалашга имкон берган. Лутфий каламига мансуб бўлган

Ой юзунгнинг хижлатидан гул кизорди, холиё,

Ханда бирла ўткарур, чун инфиоли бордурур

байтида гулнинг кизариб очилиши хижолатдан юзи кизарган ва ўзининг нокулай

ахволини яшириш учун зўрма-зўраки табассум килаётган одамга киёсланиб кишини лол колдирувчи тасвир чизилган.

Шоирнинг:

Хайратда колиб писта огиз очтию колди,

Мажлизда чу огзинг соридин кечти хикоят.

... Лаълининг ширинлигин бир кун битар эрди калам,

Боши зону остида колди чибинлар илкидин

каби байтларида хам писта, сарв, калам холатлари хусни таълил учун асос бўлган.

Гадоийнинг

Ул халоватлик зулол ирнинг рамузин фахм этиб,

Бош олиб зулматга кирди оби хайвон шармсор

байтидаги хусни таълил санъатидан завк олиш учун оби хайвон (хаёт суви) ер остидаги

зулматда бўлиши хакида афсоналар, масалан, Искандарнинг хаёт сувини ичиш

максадида зулматта кириши хакидаги афсонавий хикоядан хабардор бўлиш талаб килинади.

Шу нарсани алохида таъкидлаб ўтиш лозимки, хусни таълил санъати кўлланар экан, тасвирланаётган хаётий ходиса ёки холатнинг хакикий сабабларига эътибор

берилмайди. Бу хил сабаблар мутлако бўлмаслиги хам, сезилар-сезилмас бўлиши хам,

аник кўриниб туриши хам мумкин. Ўзбек шеъриятдан хам бу масалага доир кўплаб

мисолларни келтириш мумкин. Лутфийнинг

Сабо ширин дудокингга тегубон ўтти ер узра,

Ўшал имкон билан ернинг наботин найшакар килди

байтини мутолаа килсак: «Тонг насими ер узра кезаркан, ширин лабларингга хам тегиб

ўтди-ю, шундан кейин ер ўсимлигини шакаркамишга айлантирди», деган латиф бир

маъно ифодаланганини кўрамиз. Шоир таъкидлаётган хаётий ходиса - ер юзида

шакаркамишнинг ўсаётганлиги. Бунинг хакикий сабаби сифатида нимани кўрсатиш

мумкин? Ушбу саволга жавоб топиш мушкул. Шунга карамай шоир ўзи тасвирлаган

ходисанинг сабаби-ни топишга интилиб, найшакарнинг пайдо бўлишига сабаб тонг

шамоли оддин махбуба лабига тегиб ўтиб кейин ер юзи бўйлаб кезаркан, ер ўсимлигини

шакаркамишга айлантиргани эканлигини таъкидлайди. Мавлононинг

Писта онт ичтики, торлик ул огиздин олмайин,

Ёрилибдур ўзга килмиш гўйё савгандини

байтидаги воқеий хакикат - пистанинг корни ёриклиги. Бунинг хаётий асоси нима бўлди

экан? Дарахт устида эканлигида ўз табиатига кўра ёрилганими ёки одамлар томонидан

чакилганими? Аник бир хулосага келиш махол. Бундан катъий назар, шоир ушбу

хакикатга ажойиб бир гайритабиий сабаб ўйлаб топган: у энди махбуба огзидаги

торликка даъво килмайман, деб касам ичган экан, лекин ўз сўзида турмаган шекилли,

корни ёрилиб кетибди». Мавлоно бу ўринда «Ёлгончининг корни ёрилиб ўлади», деган

халк иборасига ишора килаётгани яккол кўзга таш-ланиб турибди.

Юкоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, шоир томонидан каламга олинаётган хаётий ходиса ёки афсонавий ривоятнинг хақиқий сабаби бўлиши ёки бўлмастидан катъий назар ижодкор ўз гоёвий-бадиий ниятига мувофиқ келадиган гайритабиий сабаб - хусни таълилни ифодалайверади.

Энди хусни таълил ифодаси, яъни шоир келтирадиган гайри-табиий сабаб хақида суҳбатлашайлик. Адабиётимизнинг кўп асрли тарихи кўрсатишича, ушбу санъат ифодаланаётган сабабнинг албатта гайритабиий, хаёт хақиқатш а мос келмайдиган бир тарзда бўлишини шарт қилиб қўяди. Сабаб асосида сўзсиз ижодкор таъкидлаётган хаётий хақиқат, холат ёки афсонавий ривоятда тилга олинаётган шахс ёки хайвон, куш ёки буюм, баъ-зан мавхумий бирон тушунча (масалан, жон, кўнгул) номи ётади, сўнг у билан алоқадор гайритабиий далил келтирилади. Натижада бир шахс, хайвон, куш, буюм, мавхум тушунча хақида ўзаро узвий алоқада бўлган икки фикр юзага чиқади. Кейинги хукм олдинги хаётий воқеъликнинг сабаби қилиб кўрсатилади-ю, лекин хар икки фикр ўртасида мантикий мувофиқлик бўлмади, аниқроғи, сабаб сохта, хазилнамо мазмунга, лутф, сўз ўйини маъносига эга бўлади.

Хусни таълил ифодаси шу туйғулар хам аксар холатларда энгил, самимий қулги уйғотади. Фикримиз исботини юкорида келтирилган мисолларда хам яккол кўришингиз мумкин.

Шоир таъкидлаётган сабаб гайритабиий, номантикий экан, бу ижодкорнинг ёлгончилиги деб бахоланмайдими? Ўқувчи бу хил сабабни қабул қилаверадими? Йўқ, асло! Мазкур кўринишдаги «ёлгончилик» сўз санъати табиатига мос келаверади. Хазрати Навоийнинг Сўз ичраки ёлгон эрур нописанд,

Чу назм эттилар, қилди доно писанд
ёки

Улки газал чехрасига берса зеб,

Англаб ани таъкъашу дилфиреб.

Чин демаги харзаву хазён бори,

Турфа буқим, яхшиси ёлгон бори.

деб таъкидлаганларида, хусни таълил санъатини хам назарда тутганлари айни хақиқат.

Китобхон албатта шоир келтираётган сабабнинг гайри хаётий эканини, у ўз гоёвий-бадиий ниятидан қелиб чиқиб, атайлаб «ёлгон» ишлатаётгани, бу хил гайритабиий, номантикий далил атайлаб шу тарзда ифодалаётганини англаб ётади ва бу хил фикрларни шартли қабул қилади-да, муаллиф махоратига тасанно айтади.

Хусни таълил махорати... гайритабиий сабабни ифодалаш санъаткорлиги.. У нималардан ташқил топади, сўз салоҳиятининг қайси қирраларини ўзида намоён ётади? Шубҳасиз, шоир хусни таълил ифодасини яратар экан, табиат ходисалари, инсонлар ва жонзотлар хаёти, хилма-хил мевалар, гулларнинг шаклий ва ранг хусусиятлари, одамларнинг уларга муносабати, халқ орасида қенг тарқалган афсона ва ривоятлар

мазмунини асос килиб олади. Лекин бундай нарсаларни хар бир шоир хам кўрадику, у холда нима учун хар бир ижодкор яратиш ташлайвермайди хусни таълилнинг бир-бирдан мунаккаш ифодаларини?

Фикримизча, хусни таълил ифодаларининг майдонга келиш жараёнини куйидагича белгилаш мумкин:

1. Ушбу санъат лавхалари табиат манзараларини хаёт ходисалари, кундалик турмуш воқеъликларини кузатиш давомида кутилмаган тасодифий тарзда, тўсатдан шоир дилида пайдо бўлади-да, унинг ёдида сакланиб, сайкал топиб, сўнг газал ёхуд маснавийдан бир байт кўринишида ўрин олади. Дейлик, бахор айёми тонгги насим эсаркан, богда ўтириб гўзал манзарани хавас билан кузатаётган шоир дарахтлар, ниҳолларнинг аста тебранишига бокиб, тўсатдан уларни кимгадир таъзим килаётгандек кўринишини хаёлга келтиради. «Улар кимга салом бераётган экан?» деб ўйлаб кетади у. Кўз олдида богда кезаётган гўзал киз гавдаланади-ю, манзара байтга айланиб ижодкор кўнглидан ўрин олади.

2. Шоир дилида аввало гоёвий-бадий ният, ёр чехрасининг янгича, бетакрор васфини яратиш максоди пайдо бўлади. Бу орзу уни туну кун изланишга ундайди. У хаёт манзараларини синчиклаброк кузатар экан, бир катор бадий лавхаларни кашф этиб, улардан бирини танлаб тахрирдан ўтказади-ю, ўз асаридан ўрин беради.

3. Ўтмишнинг буюк ижодкорлари асарларини мутолаа килиб, айна вақтда уларнинг бадий салохиятлари сирларини ўрганишга интилаётган шоир бошка санъатлар каторида хусни таълил намуналарини синчковлик билан назардан ўтказар экан, ўзига манзур бўлган бадий обидалардан илҳомланиб, яратилган хусни таълил ифодаларини янада такомиллаштириш ёки шу лавхаларнинг очилмаган кирраларини кашф этиш нияти билан уларнинг янгича талкинларини коғозга туширади.

Масалан, Атойи ва Лутфийлар газалиётидаги хамоханг бир неча байтни кўздан кечирайлик. Бир газалида Атойи махбуба юзининг гулдан хам латифрок эканини хусни таълил воситаси-да шундай таърифлаган эди:

Севингандин гул ўз тўнига сигмас,

Ким они юзунга нисбат килурлар.

«Одамлар гулни махбуба юзига ўхшатадилар, бундан севинган гул тўнига сигмай кетади», мазмуни ифодаланган ушбу байтда «гул тўни» ибораси ўринсизрок кўлланганини сезиб олиш кийин эмас. Мавлоно Лутфий ушбу байтни ўкиганида, бунга эътибор берган бўлса керакки, ўзининг куйидаги байтини битар экан, шу мантикий номувофикликка бархам берган эди:

Гунча севиниб тўнига сигмас,

Ўхшатсам ўкунг бошоки бирла.

«Гунчани сен отган ўк бошоки (ўк учи)га ўхшатган эдим, у севинганидан ўз тўнига сигмай кетди», маъносини ифодаловчи ушбу мисралар Атойи тасвирига караганда мазмунан мукамалрок, мантикан асослирок эди. Диккат килинса, гунча шаклан ўк учидаги «бошокка», яъни учбурчак кўринишидаги темир парчасига ўхшашлиги хам, бу киёсдан севинган гунча тўни -яшил куртакнинг ёрилиб, учидаги кизил гул барглари намоён бўлиши хам мантикан бенуксон эканлигини кўриш кийин эмас. Атойининг

Огзингда муъжиз оятин Исо кўруб зиёд,

Сиздин кочиб ёшунди кўк ичра уёттин

байтидаги хусни таълилга караганда, Лутфий битган

Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергучи,

Шармандалиқдин кетмаса кўкта анга не бор эрур
мисраларидаги гайритабий талкин мазмунан баркамоллиги билан ажралиб туради.
Апишер Навоийнинг ширинлигидан лаблари ёпишиб қолиб ошиқ йигит холини сўрашга
огзини очолмаётганини тасвирлагани кўпчиликка таниш. Шоир Фуркат ҳам албатта
ундан яхши хабардор бўлган ва ўша мисралардан таъсирланиб ўзининг
«Нукта лаб устида бежодур», - дедим, айди қулиб «Сахв қилмиш қотиби қудрат магар
тахрирда»

мисраларини битган эди. Бу хил ифода Навоий таъқидлаган фикр, яъни «Нукта (хол)
лаб устидан ўрин олса, янада чиройлироқ кўринади», маъносини янгича бир тарзда акс
эттириш махоратидан далолат бериб турибди.

Анчагина холларда икки шоир талқинидаги ўхшашлик ёки мазмунан яқинлик уларнинг
бир-бирига таъсири сифатида эмас, балки таворуд, яъни тасодифий такрор тарзида юз
беришини кузатилади. Масалан, шоир Хофиз Хоразмий каламига мансуб

Бас ажабдур кўзларим ёши, юзунг кўрган аро,

Чун бўлур истора пинхон, бўлса пайдо офтоб

яъни: «Аслида офтоб пайдо бўлганида юлдузлар пинхон бўлар-ди, шуниси
ажабланарлики, юзингни кўрганимдан сўнг кўзларимдан ёш тинмаяпти», маъносини
ифодаловчи байти билан Алишер Навоий яратган машхур

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур хар лахза ёш,

Бўйлақим пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш

мисралари орасида ижодий алоқадорлик сезилгандек бўлади. Буни эса адабиётимиз
тарихи саҳифалари инкор этади, зеро Хофиз Хоразмий ижоди билан Навоий таниш
бўлмаган. Бинобарин, байтлардаги ҳамоҳанглик таворуд натижасигина бўлиб, биринчи
байт иккинчисининг юзага келиши учун хизмат қилмаган. Бу хил мисолларни
адабиётимиз тарихидан кўгшаб келтиришимиз мумкин.

4. Шоир ўзи илгари яратган хусни таълил ифодаларини тахрир қилиб, баъзи янги
тафсилотлар билан тўлдириб, байт мазмуни ва тимсолларини саклаб қолган ҳолда
янгиланган лавҳалар чизади. Жумладан, мавлоно Лутфий бир газалида

Нетар лола туруб ёбонда мунча,

Уётингдин агар овора йўқтур

тарзидаги хусни таълил ифодасида лоланинг даштда ўсишига унинг маҳбуба чехрасидан
уялишини сабаб қилиб келтирган эди. Шоир бошқа бир газалида яна лола тимсолига
мурожаат қилиб юқоридаги байтни

Эй сарви гул узор, янгоқингдин уфтаниб,

Ёбонга шаҳрдин қочибон лола зор эрур

тарзида тахрир қилганини кузатамиз. Эътибор қилинса шоир «янгоқингдин уфтаниб»,
«шаҳрдин қочиб» ибораларини қўллагани туфайли янгича талқинидаги мазкур байт
аввалгисига нисбатан ёркинроқ, жозибалироқ ва таъсирчанроқ чиққан.

Лутфий яна бир газалида тагин шу тимсолдан фойдаланар экан, бадиий ифодани янада
қучайтиради. Зеро,

Юзунгдин лола ранг элтиб уёлиб шаҳрга кирмас,

Анинг бўйнин киши боғлаб кетурмогунча саҳродин

байти аввал келтирилган хар икки тасвирга қараганда муқамалроқ экани кўзга яққол
ташланиб туради. Иккинчи мисрада келтирилган тафсилотлар туфайли лоланинг уялиш
ҳолати яна-да бўртиброқ кўринади.

Мана шу хилдаги тахрир тимсолларини бошқа шоирлар ижодидан ҳам анчагина келтириш

мумкин. Масалан, Алишер Навоий махбуба гўзаллигини мадх этиб,
Юзига меҳрдин йўкким, юзидин меҳрга ногох
Харорат етмасун дерким, солур хар соридин калпог
байтида хусни таълилнинг бетакрор бир лавҳасини яратган эди. «Махбубам: «Юзимга куёшнинг харорати таъсир этмасин», деб эмас, балки «Куёшга чехрам харорати етиб унга озор берма-син», деган максадда хар томондан тўсиб олган», деган мазмунни ифодаловчи ушбу мисраларда гўзал дилбар юзининг куёшдан ҳам нурлилиги, хароратлилиги гоят сержозиба тасвирланган эди. Бу ўринда шоир кўллаган акс тасвир усули ниҳоятда кўл келган. Махбуба рухсорининг куёшни куйдириши мумкинлиги хақида-ги гайритабиий талкин ушбу байтни хусни таълилнинг бекиёс намунасига айлантиргани кўриниб турибди.

Навоий кейинрок мазкур байтни тахрирдан ўтказиб, унинг

Йўкки, ул хуршидцин, хуршид ондин куймасун

Дерки, бир ёндин солур чобуксуворим калпогин

тарзидаги янгича ифодасини ўз ўқувчиларига такдим килди. Ушбу бадий лавҳани тўддирган «чобуксуворим» тимсоли тасвирга муҳим бир аниклик киритгани сезилиб туради. Олдинги байтда махбубанинг бош кийими умумийрок тарзда акс эттирилган бўлса, кейинги икки мисрада махбуба тимсоли от устидаги чавандоз сифатида тасвирлангани учун унинг кийиниши, юзини тўсиб турувчи калпок кийгани асослирок туюлади.

5. Ана шундай хилма-хил ижодий жараёнлар давомида яра-тилган хусни таълил ифодаларида ранг-баранг бадий тимсоллар вужудга келади, уларнинг хар кайсиси ўзининг мазмунан янгиллиги ва таъсирчанлиги, жилою жозибаси билан ўқувчилар оммасини ўзига мафтун этади, бадий сўз киммати ва кудрати хақидаги тасаввур, билимни мустаҳкамлайди, калбларга нафосат туйгуларини олиб кириб, шеърятга, умуман, бадий адабиётга муҳаббат хисларини камол топтиради. Чунончи, куйидагича тимсоллардан завкланмаслик мумкинми?

- сохибжамол махбубанинг тенгсиз гўзал чехрасидан уялиб, юзини булут билан тўсиб олган куёш;
- махбуба юзига дераза туйнугидан тўймай бокиб, жойидан кўзголмай ўтирган тўлин ой;
- дилбар киз рўпарасида унинг латофати олдида лол қолиб, бошини куйи солиб турган бинафша;
- ошик йигитнинг кўз ёшлари билан беллашиш ниятида тинмай йиглаётган булут ахволи устидан ках-ках уриб кулиб, ерга йикилиб тушган чакмок;
- инсонларга сўз билан жон багишлашда гўзал дилбар билан тенглаша олмай, шарманда бўлиб осмонга кочиб кетган Исо Масих;
- лаблари ширинлигидан ёпишиб қолиб, ошик ахволини сўрашга огзини оча олмай хижолат чекиб турган дилрабо гўзал;
- ошик ёзган мактубни элтаётиб унда битилган оташин изти-робларга чидай олмай халок бўлиб ерга кулаётган кабутар;
- гўзал дилдорнинг юзини кўриб дала-даштда хижолатта ботган ва одамлар кўлига тушиб, бўйнидан боғланиб шахарга зўрлаб олиб кетилаётган лола;
- ошикнинг ўтли охи таъсиридан кизгиш ранг касб этиб аста сузиб бораётган гамгин булут;
- махбуба лаби билан бахслашишдан ожиз бўлиб, бундай беадабликни такрорламасликка касам ичган, лекин ўз аҳдини бузиб ёлгончи сифатида корни ёрилиб кетган писта;

- ёр васфи битилгани учун хар бир сахифасидан муаттар хид анкиб турган шоир дафтари;

- тонг насими эсаркан, гулзорни тамошо килиб юрган мах-бубани кўриб қолиб, унга кайта-кайта таъзим бажо килаётган сарв нихоллари каби юзлаб латиф тимсоллар фикримизнинг далили бўла олади, деб ўйлаймиз. Бундай хайратомуз тимсоллар хусни таълил сирларини кашф этишда шеър ахли учун энг яхши намуналар бўлиб хизмат қилгани ҳам шубҳасиз.

Шундай килиб, ушбу санъатнинг бетакрор ва пурмазмун, сержилва ва жозибали ифодаларини яратиш учун аввало ижодий салоҳият, хусусан, ҳаёлий истеъдод, ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган бадиий тафаккур икtidори зарур. Кўришиб турадиган энг оддий ҳақиқатлардан инсон аклини лол қолдирадиган хайратомуз бадиий лавҳалар чиқиш, гиртёлгон манзараларга китобхонлар оммасини хайратлантириш, гайритабиий лавҳалар билан инсон зотини сўз санъатининг гаройиб оламига олиб кириш учун чинакам санъаткор, даҳо ижодкор бўлиш керак.

Мавлоно Атоий сув бўйида ўтириб қўлини юваётган гўзал махбубани кўрар экан:

Ул иликким, сувдин ориктур юмас они суда,

Балки сувни пок бўлсин деб илики бирла юр,

яъни «Унинг қўллари сувдан ҳам тозаку, демак уларни сувда юваётгани йўк, балки сувни поклаш учун қўли билан уни юваяпти», деб гоят нафис хусни таълил яратган экан, шоирнинг бадиий тафаккури қудратига тан бермаслик мумкинми? Мавлоно Лутфий

То юзунгнинг васфини Лутфий битибдур, дафтари

Бўлди рангину насими гул келур аврокдин

байтида шеър дафтарининг рангли қозғалардан ташкил топган-ни, варақлар орасига

баъзан гул солиниши туфайли дафтардан муаттар хид анкиб туришини назарда тутиб:

«Буларнинг барчасига сабаб варақларда сенинг гулдек юзинг васфи битилганидандир»

деб гайритабиий далил келтирар экан, ўзининг кенг қўламли бадиий ҳаёлот

даражасини акс эттирган эди.

Бундай бир-бирдан нодир мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

Шеърятимизда яратилган қўплаб хусни таълил ифодаларида махбубанинг бекиёс хусни латофати, ошиқ йигитнинг унга бўлган вафо ва садокати, ишқ йўлида чеккан аламу изтироблари таъкидланади. Янада батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, ана шу ифодаларга кўра:

- шоир тасвирлаётган махбуба шундайин гўзалки, қуёш, ой, юлдузлар унинг жамолига шайдо бўлиб, само узра саргардон кезади, рухсорини бир кўришга зор бўлиб, уни излайди, деразаларидан мўралаб томоша қилишга ошиқади, оёқларини ўпиб, хизматини қилишга шошилади, висолини бир бора кўришганида эса кўзлари қамашиб, булутлар огушига гарк бўлишади;

- у шундайин соҳибжамолки, таърифини эшитиб, хижолатга ботган гуллар кизориб, ранглари бўзариб кетади, қийимларини йиртади, унинг юзлари висолига етишиш учун гулобга айланади;

- у шундайин комат соҳиббасики, чаманларнинг латиф сарвлари унга таъзим қилиб чарчашмайди, майин насим огушида унинг номини зикр қилишгани қилишган;

- махбуба мўъжаз лабларига рашк қилган гунчаларнинг, пи-сталарнинг оғизлари очилиб қолади, сўзларининг ширинлигига, ҳаётбахшлигига чидаш беролмаган новвотлар шишалар ичига яширинади, оби ҳаёт зулматга қириб пинхон бўлади, ҳатто Исо осмонга

кочишга мажбур бўлади. Лабларини тасвирлаётган каламлар ёрилиб кетади;
- маъшуканинг шахло кўзлари охуларни дашту биёбонларда сарсон килади,
наргисларнинг, бинафшаларнинг бошлари куйи эгилади.

Ошик йигитнинг махзун холати, саргайган рухсори, эгилган коматини кўриб рахми келган:

- гардун юлдузлардан кўз ёш тўкади;
- шафак кўксини пора килиб, конга ботади;
- шамъ окшомдан тонгга кадар ёниб, куйиб, ашк дарёсига гарк бўлади;
- кушлар дардига хамдардлик кўрсатиб, эрта сахаргача бе-дор чиркиллашади.

У шунчалик кўп изтироб чекканки, кўнгли шунчалик ўртанганки, унинг аламини ёзаётган когозлар куйиб кул бўлади; унинг мак-тубини махбубага элтаётган кабутарнинг каноти куйиб ерга кулайди; унинг дарду аламини дoston килиб куйлаётган бахши-лар халок бўладилар.

Хусни таълил воситасида яратилган бундай бадиий мўъжизаларни санаб тугатиш мушкил. Ха, ушбу санъат ана шундай хайратомуз, гўзал, бекиёс. Унинг хар бир янги ифодаси шеърият оламини безатувчи нодир бир жавохир, бетакрор бир бадиий тимсол. Масалан, улуг Навоий каламига мансуб мана бу сўз дурдонаси лол колдирмайдими хар кайси шеър мухлисини?!

Катра конларким томар кўксимга ургон тошдин,
Захмдиндир демаким, кон йиглар ахволимга тош.

Хижрон аламига чидай олмаган ошик ўз кўксига тош урар экан, ерга кон томмоқда. Шоир таърифича, бунинг сабаби тошнинг баданга еткизган яраси эмас (кон ярадан оқаётгани йўк), балки ошик калбига урилган тош унинг багридаги дарду-аламнинг кучлилигига чидай олмасдан конли ёш тўкиб ййгламоқда. Садокатли, жафокаш, ошикнинг чеккан изтиробларини бундан хам ёркинрок, таъсирчанрок ифодалаш мумкинми?

Дахо ижодкорлар хусни таълил санъати кўлланган хар бир ифодада ўқувчи тушуниб олиши зарур бўлган икки бадиий ниятни назарда тутадилар:

1. Китобхон шоир яратган, гайритабиий талкиндан ижодкор кўзлаётган асосий максадни англаб олиши керак.
2. Улар шоирнинг бу сохада эришган ижодий муваффакиятига муносиб баҳо беришлари зарур.

Биринчи вазифа яратилган хусни таълил ифодасидан ижодкор аник кайси гоёвий-бадиий ниятни кўзлагани, махбуба ва ошикнинг кайси бир хусусиятини таъкидлаётганини белгилашни талаб килади. Масалан, Атоийнинг Юрурда энг била огзингни тутма,
Нимаким йўк турур, ёшурмогинг не?

байтини ўкиган китобхон кайси хулосага келиши керак? Диккат килинса, шоирнинг максади, ёш келинчакнинг портрети, унинг рўмолча билан огзини бекитиб юриши эмас, балки: «Йўк нарсани яшириб нима киласан?» деган таъкиди эканлиги, бинобарин бу ифодадан максад тасвирланаётган гўзал-нинг огзи йўк даражада кичкина эканлигини бетакрор бир тарзда акс эттиришдан иборатлигини аниклаш кийин эмас.

Китобхон олдидаги иккинчи вазифа эса мавлоно Атоийнинг сеҳрли калами билан яратилган бу нафис лавха, ушбу таъсирчан тимсол шеъриятимиздаги янги ходиса экани, зеро унганча ҳеч ким махбуба огзининг мўъжазлигини бу тарзда ифодалай олмаганини, яъни шоирнинг янги бир бадиий кашфиёт яратганини муносиб баҳолашдан иборат.

Шеърда келтирилган хусни таълил, Шарк адабиётшу-нослигида таъкидланишича, катъий бўлиши лозим. Агар гумон маъносида кўлланилса, у холда бу хил сабаблар «шибхи хусни таълил», яъни «шубхали чиройли сабаб» деб аталади.

Алишер Навоийнинг

Юзни гуллардин безабму бизии курбон айладинг,

Ё юзингга тегди конлар бизни курбон айлагач

мисраларида эса шибхи хусни таълил кўлланган. Чунки шоир маъшуканинг юзи атрофидаги гулни конга ўхшатган холда унинг ёр чехрасига тегиш сабабини катъий килиб эмас, балки гумон килиб айтади.

Шеъриятда воқеаларнинг хақикий сабаблари ҳам келтирила-ди, албатта. Фуркат ўзининг

Ул париваш ишкидинки телбадурман, гох сог

Чунки бордур орамизда гох сулху, гохи жанг

дея ўзининг гох телбанамо, гох сог эканлигига сабаб килиб маъшука билан ўзи

ўртасидаги муносабатни келтирар экан, бу хақикий сабабдир. Бу хил таълил хусни (чиройли) таълил эмас, оддий таълил саналади.

Шеъриятимизда кўпинча хилма-хил диний ва тарихий афсоналарнинг қахрамонлари номлари, уларга нисбат берилган воқеалар заминида хусни таълил санъати кўлланган.

Масалан, Мавлоно Атоий каламига мансуб

Огзингда муъжиз оятини Исо кўруб зиёд,

Сиздин кочиб ёшунди кўк ичра уёттин

байтида Исо пайгамбарнинг осмонга чикиб кетганлиги хақидаги афсона асосида

таъсирчан бир хусни таълил ифодаси яратилган эди. Шоир таъбирича, Хазрати Исо ер юзида сўзлари билан одамларга хаёт багишловчи гўзал киз пайдо бўлганин кўриб, осмонга чикиб яширинган эмиш.

Хусни таълил санъати ўз табиати жихатидан тамсил санъатига ҳам якин туради. Зеро,

хусни таълил кўлланганида, тасвирланаётган бирон хаётий холат ёки ходиса тарихий воқеа ёки афсонавий ривоятга гайритабиий сабаб кўрсатилар экан, ўхшаш бирон хаётий холат ёки ходисани унга сабаб килиб келтирила-ди-ю, ушбу икки ходиса ўртасидаги мантикий боғланиш йўқлигига касддан ахамият берилмай, хатога йўл кўйилади, аникроги ўзига хос бир хазил юз беради. Тамсил санъатига мурожаат қилган шоир ҳам икки ходиса ўртасидаги ўхшашликка таянади-ю, лекин далил учун келтирилаётган воқеа ёки холат гайритабиий эмас, хақикий мазмунга эга бўлади. Масалан: Навоийнинг

Жонга кўйгач нақди ишкинг қилди кўнглимни халок,

Ўлтурур махрамни султон ганж пинхон айлагач

байтида хаётий бўлмаган, аникроги, мавхумрок ходиса (севув-чи кўнгулнинг халок

бўлиши)га бойликларини яширган султоннинг хазина сирини саклаш учун махрамларини ўлдириши далил килиб келтирилади.

Эътибор қилинса, ушбу бадиий ифодада хаётий мисол би-ринчи мисрадаги ходисанинг

гайритабиий сабаб сифатида эмас, балки уни тасдиқловчи воқеа тарзида

келтирилаётганини куза-тиш мумкин.

Шу ўринда машхур навоийшунос олим Е.Э.Бертельснинг «Навоий» китобида келтирилган

бир байтга эътиборингизни жалб этишни истардим. Аллома Навоийнинг

Юзда хай тугёнидин гар кулса огзи, йўк ажаб,

Гунчага бўлмас очилмок ичмайин гулзор сув

байтини хусни таълил санъатига мисол килиб келтиради. Вахоланки, биринчи мисрадаги

фикрни гулзорга сув куйилиши ходисаси тасдикласа хам, лекин унга гайритабиий сабаб бўлиб хизмат килмайди. Олим бу ўринда тамсил санъати кўлланганини таъкидлаши мумкин эди.

Шуни таъкидламоқчимизки, тамсил тасвирланаётган у ёки бу ходиса, холатни киёс, ташбих усули билан тасдиклашга хизмат килса, хусни таълил гайритабиий сабабнигина ифодалайди, холос. Шунинг учун бу икки сабабни чалкаштириб юбормаслик керак. Яна бир жихатни хам унутмаслик зарур: тамсил санъати кўлланар экан, икки мисрадаги икки холат ёки ходиса хаётий бўлиб, бири иккинчисига мос тушади. Масалан, юкоридаги байтда махбуба юзи терлагани туфайли у кулаётган бўлса, тамсилда гулзорга сув келгач гунчаларнинг очилиши ўртасида хаётий мувофиклик мавжуд. Аммо хусни таълил кўлланганида, бу хил мувофикликни кузатмаймиз. Навоий каламига мансуб

Ушотиб ўқини махзун кўнгулни синдурманг,

Ки, эв шикаст топар хар қачонки, синди сутун

байтидаги тамсилни кузатсак, биринчи мисрадаги «ўк» билан иккинчи мисрадаги «сутун», «кўнгул» билан «эв», «синдурманг» билан «шикаст топар» сўзлари ўзаро мувофик бўлиб, киёсий муносабат уларни бириктириб турганини кўриш кийин эмас.

Хусни таълилда эса бу хил муносабат кузатилмайди.

Хусни таълил санъати ўз навбатида кўра муболага санъати билан якин. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, кўплаб шеърий санъатлар муболагали тасвирнинг ўзига хос ифодаси бўлиб, хақиқий бирон ходиса ёки холатни бўрттириб кузатишга асосланади.

Масалан, сарвнинг махбуба каддига киёсланиши, ёкутни ёр лаби рангига ўхшатилиши ташбих санъати саналса хам, уларнинг замирида муболага ётишини инкор қилиб бўлмаслиги му-қаррар. Гўзал маъшуқа чехрасини тўлин ойга киёслаётган шоир муболага килмаяптими? Шундай экан, хусни таълилга хам муболагали тасвир ифодаси деб қарамок мумкин. Шу туфайли хам баъзан бу икки санъатни ажратиш олиш кийинрок хам бўлади. Жумладан, Навоийнинг бир газалида:

Не тушки, хажри балосин кўрарда сескансам,

Тўкулдамак била кўшнини уйготур юрагим

байти келтирилган. Мисраларда кўлланган санъат бир қараган-да муболагадан бошқа нарса эмасдек туюлади. Зеро, байтга диққат қилсак, унда ошиқ тилидан: «Тушимда ногох хажр аламларини кўриб, сесканганимда юрагим шундай дукуллаб урадики, хатто кўшни уйқусидан уйғониб кетади» деган фикр ифодаси мужассамлантирилган. Бу хил тасвирда муболаганинг чиройли бир намунасини кўриш кийин эмас. Энди шу фикрни бироз бош-қачарок тушуниб кўрайлик: «Мен шундай бир туш кўрдимки, кўшни хам уйғониб кетди. Бунинг сабаби тушимда хажр изтиробларини кўриб сесканиб турганимда, юрагимнинг каттик дукуллаши кўшника эшитилгани экан», деган маънони англасак, шоир табиий бир ходиса - бирон овоз туфайли кўшнининг уйғониб кетишига ошиқнинг туш кўриб, сесканганидан юрагининг дукуллаб уришини сабаб қилиб кўрсатган тарзда хусни таълил ифодаси яратилган, дейишимиз мумкин.

Эмас жунундин агар тоғларда бўлса маконим

Ки, қрлди бахри сиришким тубида мулку диёрим.

байтидаги тасвир хам бир қараганда оддий муболагадек туюлади, лекин унинг замирига диққат қилсак, иккала мисра ўртасида сабабий муносабат мавжудлигини, зеро байтни:

«Тоғларда яшаб юришимга сабаб жунундан эмас, чунки мулки диёрим кўз ёшим денгизи остида қолиб кетгандир» деган маънода тушуниш лозим. Бинобарин, шоир ошиқнинг тоғда яшашини таъкидлар экан, бунга шоирона далил келтирган. Ана шу хил талқин ўта

муболагали бўлгани учун ҳам уни гулувв ифодасига йўйиш мумкин.

Хусни таълил санъати бевосита ташхис санъати билан ҳам алоқадордир. Хусусан, инсон тимсоли иштирок этмайдиган байтларда хилма-хил фазовий мавжудотлар, самовий ходисалар, турли-туман мевалар, буюмлар тимсолларига мурожаат килинар экан, уларга инсоний хусусиятлар кўчирилиб жонлантирилади. Алишер Навоий каламига мансуб Ой юзунг бирла талашди, буки кўктур орази,

Панжаси бирла куёш гўё юзига урди кож

байтида «Ой сенинг юзинг билан гўзаллик талашган эди, мана энди ўзининг юзи кўкариб ётибди, унинг бемаъни, беодобона харакатидан даргазаб бўлган куёш юзига шапалок кўйиб юборганга ўхшайди», деган мазмун ифодаланган. Ойнинг осмонда кўкимтиррок бўлиб кўринишини назарда тутган шоир хусни таълил санъати асосида чиройли бир фикрни ифодалаган. Байтда хусни таълил санъати ташхис асосига курилган, шоир «куёш ойнинг юзига урган» деб тасвирлаганда ҳам, ой юзининг кўкимтирлиги-ни таърифлаганда ҳам, куёш ва ойга инсонларга хос холат, ху-сусият, харакатларни кўчирган. Лутфийнинг

Занбури асал огзи тўла шахд эканиндин,

Эрнингни кўруб, бемаза деб бол тўкубдур

байтидаги хусни таълил ҳам ташхисга асосланган. Зеро, шоир: «Асаларининг огзи тўла асал эди, сенинг лабинг ширинлигини кўргач, огзидаги асални бемаза деб тўкиб ташлади», тарзида тасвирлар экан, асаларига одамлар хусусияти-ни кўчиради.

Баъзан хусни таълил санъати ийхом, тажохули ориф санъатлари билан бирга кўлланади. Масалан, Навоийнинг

Сариг когазмудурким сўзи хажрим айлади тахрир,

Ва ёхуд шуъла тушти сахфага ул сўз этиб таъсир?

байтида ўзини билмасликка солиб (тажохули ориф санъатини кўллаб) «Хажрим хакидаги сўзлар ёзилган когознинг ўзи саригмиди ё бу сўзлар таъсир килгач, у сахифа (когоз)га шуъла тушиб саргайиб кетдимми?» деган хайратомуз мазмунни ифода килади. «Сўз» сўзи хар икки мисрада икки маънода: сўз ва ўт (чўг) маъноларида кўлланганки, буни ийхом санъати намунаси деб биламиз.

Хусни таълил санъатининг яна бир фазилати унинг энгил, завкли кулги (юмор) билан сугорилганлигидир. Хаётий ходисанинг гайритабий талкин килиниши, хакикий, хаётий холат билан бадий талкин орасидаги мантикий номувофиклик ўкув-чида кулги уйготмай колмайди. Алишер Навоий каламига мансуб бўлган

Дема лафзинким, тили эврулмагондиндур синук,

Ким топар тор огзидан чиккунча кўп озор лафз

байтига диккат килсак, унда: «Махбуба сўзлари унинг тили яхши айланмаётганидан чучук деб ўйлама, огзи тор бўлгани учун хар бир сўз кийналиб, озор чекиб чикади», деган мазмун ифодаланганини кўрамиз. Тили чучукликнинг тиббиёт билан боглик айрим сабаблари бор албатта, лекин шоир махбуба тилининг чучуклигини гайритабий изохлаб, унинг огзи гоятда кичиклигини сабаб килиб кўрсатади. Хакикат билан бадий сабаб ўртасидаги номувофиклик, мантиксизлик энгил кулги уйготади. Хусни таълил санъатининг хар бир намунаси худди шундай завкли кулги билан йўгрилгандир.

Кулгининг даражаси эса талкиннинг яшилиги, бетакрорлиги, ноёблиги билан белгиланади.

Хусни таълил ифодалари шеъриятимиздаги ижодий мусобакалар давомида такомиллашиб борган: бир хил тимсолларнинг янгича талкинлари яратилган, шоирлар

бир-бирларидан илхомланиб янгидан-янги бадиий шархлар кашф этганлар. Мавлоно Лутфий:

Жоми май ўпти лабингни, ташна бўлдум конина,
Хак текурсин, ул ачикни тортай эмди жомдин
байтида май тўла жомнинг махбуба лабига тегишини унинг ўпи-шига киёслаган холда
ажойиб хусни таълил ифодасини яратган эди. «Май жоми лабингни ўпишини кўриб,
унинг конини ичишга ташна бўлдим. Оллох еткизсину, жомдан аламимни олиш, жом
ичидаги аччик майни симириб ичиш менга насиб бўлсин», деган маъно ифодаданган.
Алишер Навоий

Анжуми ашкин тўкар тонг откуча мендек сипехр,
Йўкламиш ул хам магар бир меҳри оламгардини
мисраларида юлдузларни сипехрнинг кўз ёшларига ўхшатиб, «У хам мендек оламини
ёритувчи кўёшга интизор шекилли» деган фикрни ифодалаб, чиройли хусни таълил
намунасини рўёбга чиқарганди. Фуркат:

Кечалар анжум эмас, ерга тўкилгач он кадар Рахм этиб, холим кўриб гардуни гардон
йиглади

байтида хусни таълил воситасида оламнинг ночор ахволини таъкидлаган бўлса, XX аср
бошида шоир Завкий бу холатни каламга олиб:

Юрту эл ахволига мотам тутардин хар кеча

Ой кўкси доғу, гардун ашкиду р юлдузлар

байтини яратар экан, ёмгирни халк ахволини кўриб алам чекаётган гардуннинг кўз
ёшлари дея талкин килганди.

Хусни таълил санъатидан hozирги шеъриятимизда хам кенг фойдаланиш мумкин. Айрим
ижодкорлар бу усул воситасида ниҳоятда гўзал ва таъсирчан тасвирлар чизганлар,
бетакрор бадиий лавхалар яратганлар. Эркин Воҳидов каламига мансуб «Камтарлик
хакида» шеъридаги:

Гарчи шунча мағрур турса хам Пиёлага эгилар чойнак. Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру хаво нимага керак? Камтарин бўл, хатто бир кадам Ўтма гурур остонасидан.

Пиёлани инсон шунинг-чун Ўпар доим пешонасидан мисраларида хусни таълил
санъатидан фойдаланиб, гоятда жозибатор лавхалар чизилган. Шоир чойнакнинг
тузилиши, чой куйишда унинг пиёла томон йўналтирилиши, чой ичаётган одамнинг
пиёлани лабига теккизиши ходисаларини гайритабиий, бадиий изохлаш асосида завкли
манзара яратиб, унинг воситасида муҳим бир гоёни ўқувчи онгига таъсир киладиган
тарзда гўзал килиб ифодалаган.

Шоирнинг «Ёшлик девони»дан ўрин олган «Узум», «Гунча», «Тун билан йиглабди
булбул», «Сурма», «Чашма», «Сарв», «Шохи гул», «Гуллар базми», «Кўзгу» каби кўплаб
газалларидан хусни таълил санъатининг гўзал ва бетакрор намуналари ўрин олган.

Ха, хусни таъпил санъати hozирги шеъриятимиздан муносиб ўрин олиши керак. Унинг
воситасида муайян ижтимоий-ахлокий гоёларни жуда ёркин бўёқлар билан
жонлантириш имконияти чексиздир.

Анвар Хожиахмедов, Хусни таълил санъати китобидан (Янги аср авлоди)